

---

## “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВИДАГИ ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ БОРИШИ БИЛАН ТАНИШИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Марғилон шаҳридаги ўрганишлари давомида Янгиҳаёт кўчасида жойлашган 75 гектар ер майдонида бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивидаги қурилиш жараёнларининг бориши билан танишди.

Массивда ҳозирда 11 та 12 ва 16 қаватли турар жой бинолари қурилиши бошланган. Вилоят ҳокими шу жойда қурилиш-пудрат ташкилотлари раҳбарлари, қурувчи ва меъморлар билан мулоқот ўтказди. Қурилиш ишларини жадаллаштириш, сифатли ва белгиланган муддатда битказилиши бўйича маъсулларга топшириклар берилди.

Маълумот учун, “Янги Ўзбекистон” массивида замонавий мезонлар асосида қад ростлайдиган кўп қаватли уйлардан ташқари, лойиха қиймати 50 млн. доллар бўлган савдо комплекси, бизнес маркази ҳамда 2 та мактаб, 6 та мактабгача таълим ташкилоти ва 2 та кўп тармоқли тиббий клиника қурилиши ҳам кўзда тутилган.

Ўз навбатида янги массивда турар-жой биноларига қўшимча равишда аҳолининг маданий ҳордик чиқариши учун кўнгилочар масканлар ҳам барпо этилади. Ландшафт архитектураси асосида яшил хиёбонлар этилади ҳамда манзарали дараҳтлар аллеялари яратилади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-12 22:46:47